

# Маъруза:

## Мавзу:

МОДДА ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЁНИШ  
ВА ПОРТЛАШ ХАВФИ КЎРСАТКИЧЛАРИ  
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ТЕМПЕРАТУРА,  
БОСИМ ВА БОШҚА ОМИЛЛАРГА  
БОҒЛИКЛИГИ

## **РЕЖА:**

1. Газ ва буғларниң, суюқликларниң, қаттиқ моддалар ва чангарниң ёнувчанлик ва портлаш хусусиятларини характерловчи күрсаткичлар.
2. Күрсаткичларниң температура, босим ва бошқа омилларга боғлиқлиги.

- Моддаларнинг ёнғин ва портлаш хавфи ҳамма кўрсаткичлар бўйича эмас, балки уларни тўла тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича аниқланади.
- **Газлар ва буғларнинг ёнғин ва портлаш хавфи қўйидаги катталиклар бўйича тавсифланади:**
  - алангаланиш температураси;
  - ўз-ўзидан алангаланиш температураси;
  - алангаланиш соҳаси (алангаланишнинг коцентрация чегаралари билан).

- Аралашма портловчи ёки ёнувчи бўлиши учун газ , буғ концентрацияси портловчи концентрациялар чегаралари оралиқида бўлиши лозим. Бундай катталиклар:
  - **алангалишишнинг пастки концентрация чегараси (АПКЧ);**
  - **алангалишишнинг юқори концентрация чегараси (АЮКЧ) деб аталади.**
- Модданинг АПКЧ си қанча паст, АЮКЧ си қанча юқори ва ўз-ўзидан алангалиш температураси қанча паст бўлса, у шунча портлаш ва ёнишга нисбатан хавфли бўлади.

■ Ёнувчи суюқликларнинг ёнғин хавфи қуидаги катталиклар бўйича тавсифланади:

- чақнаш температураси;
  - ўз-ўзидан алангаланиш температураси;
  - алангаланиш соҳаси (алангаланишнинг температура чегаралари билан).
- Газлардан фарқли равишда суюқликлар буғининг концентрацияси суюқлик температурасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун уларнинг алангаланиш соҳасини температура орқали белгилаш мумкин. Бундай катталиклар:
- алангаланишнинг пастки температура чегараси (АПТЧ), (бу чақнаш температурасидир);
  - алангаланишнинг юқори температура чегараси (АЮТЧ), деб аталади.

- Қаттиқ моддаларнинг ёнғин хавфи қуийдаги катталиклар бўйича олиб борилади:
  - ўз-ўзидан аланганиш температураси;
  - аланганиш температураси
- Майдаланган қаттиқ моддалар (чанглар) ҳаво билан қўшилиб ёнувчи ва портловчи аралашма ҳосил қилиши мумкин. Улар ўз-ўзидан аланганиш температураси билан тафсифланади.
- Ҳаводаги учиб юрган чанглар (аэрозоль) ва юзаларга чўккан чанглар (аэрогель) учун бу температура турличадир. Чангли аэрозолнинг аланганиши ва аланганинг тарқалиши фақат маълум бир концентрацияларда юз беради.
- Бу катталик аланганишнинг (портлашнинг) пастки концентрация чегараси (АПКЧ) деб аталади, ва у чангларнинг ёнғин ва портлаш хавфини тавсифловчидир.
- У чангнинг ҳаводаги оғирлиги бўйича ёниб кетиши мумкин бўлган энг кичик концентрациясини ( $\text{г}/\text{м}^3$ ) белгилайди.

- Ёнғин хавфсизлиги бўйича чанглар ҳолатига боғлиқ равишда **портловчиларга** (аэрозол), ва **ёнувчиларга** бўлинади.
- Портловчи чанглар 2 та грухга бўлинади:
- I – портлаш **хавфи юқорилар**, уларнинг АПКЧ си  $15 \text{ г}/\text{м}^3$  гача, (олтингугурт, канифол, эбонит, торф ва бошқа моддалар чанги);
- II – портлаш **хавфи мавжудлар**, АПКЧ си  $16 \dots 65 \text{ г}/\text{м}^3$  оралиғида, (алюмин, сланец ва бошқалар чанги.)
- Ёнувчи чанглар ҳам 2 грухга бўлинади:
- III – ёниш **хавфи юқорироқлар**, алангаланиш температураси  $250^\circ\text{C}$  гача, АПКЧ си  $65 \text{ г}/\text{м}^3$  ошиқ;
- IV - ёниш **хавфи мавжудлар**, алангаланиш температураси  $250^\circ\text{C}$  дан юқори, АПКЧ си  $65 \text{ г}/\text{м}^3$  ошиқ;

## Назорат саволлари

- Ёнувчи моддалар қанақа агрегат ҳолатларда бўлиши мумкин?
- Газ ва буғларниң ёнувчанлик ва портлаш хусусиятлари қанақа катталиклар билан тавсифланади?
- Суюқликларниң ёнувчанлик ва портлаш хусусиятлари қанақа катталиклар билан тавсифланади?
- Қаттиқ моддаларниң ёнувчанлик ва портлаш хусусиятлари қанақа катталиклар билан тавсифланади?
- Чангларниң ёнувчанлик ва портлаш хусусиятлари қанақа катталиклар билан тавсифланади?

**Эътиборингиз учун раҳмат!**